

Ibrohim S. USMONOV,
Candidate of Historical Sciences
Institute of Oriental Studies named
after Abu Rayhan Biruni.
M.Ulugbek str. 79, 100170,
Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: i.usmanov@yahoo.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022/4/5

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ “МАҚОСИД АШ-ШАРИА”ГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

НАКІМ ТІРМІДІНІС ВІДВІДОВАНІСІНІН “МАҚАСІД АШ-ШАРИА”

ВЗГЯДЫ ҲАКИМА ТЕРМЕЗИ НА “МАҚАСИД АШ-ШАРИАТ”

КИРИШ

“Мақосид аш-шария” (шариат мақсадлари) илми шаръий ҳукмлар ортида турган ҳикмат, мақсадлар, ғоялар, сабабларни баён қиласи. Ислом фикхи назариётчиларига кўра, “мақосид аш-шария” – шариатдан кўзланган инсоният манбаатини ифода этишидир (А.Жасер, 2011:30). XIX асрнинг охири ва XX аср бошидан то бугунга қадар “мақосид аш-шария” мавзуси бўйича амалга оширилган ишлар янги босқичга қўтарилиди. Зоро, илғор ислом мутафаккирлари бу мавзуга киришиб, ислом динининг мудом замон билан ҳамнафаслигини асослаб келмоқдалар.

“Мақосид аш-шария”нинг дастлабки кўришилари Пайғамбар алайхиссалом ва сахобийлар давридан бошлаб намоён бўла бошлигаган эди. Улардан кейин тобеийлар, мазҳаббошилар фаолияти мақосид хақида тизимли қарашлар пайдо бўлиши учун қулай шарт-шароит яралишига хизмат қиласи. Умавийлар давридан бошлиб мазҳаблар доирасида ҳуқуқшуносликка оид кўплаб асарлар яратилди: ҳанафийлар “қиёс” ва “истихсон” масаласида, моликийлар “масолиҳ мурсала”, “амал ахли Мадина”, ҳанбалийлар “сахобий сўзи ва раъйининг ҳужжат экани” каби усулий қоидаларни муҳокама қилаётган эдилар. Айнан учинчи ва тўртинчи ҳижрий асрларда шариат ҳикмати, унинг мақсадлари хақида назарий мулоҳазалар юритилиб, усулий китобларда шариат инсонлар манбаати риояси учун юборилгани борасида сўз бораётган эди (С.Ризвон, 2014).

Ҳозирги кунга келиб, моддий ва маънавий ҳаётда ҳар лахза содир бўлаётган ўзгаришлар доирасида “мақосид аш-шария” – муқаддас матнлар ва воқелик, шариат ва реал ҳаёт орасини боғловчи кўпприқ, деган қараш устувор бўлмоқда (И.Камол, 2015). Бинобарин, ислом оламида “мақосид аш-шария” илмини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу илм шариатнинг руҳиятини намоён этиб, аждодлар меросига теран кўз билан қарашга, мўлжални тўғри олган ҳолда, бугунги кун саволларига жавоб топишга хизмат қиласи.

“Мақосид аш-шария”га доир фикрларнинг тадрижий ривожини уч босқичга ажратиш мумкин: шаклланиш, намоён бўлиш ҳамда ривожланиш. Шаклланиш босқичининг энг кўзга кўрининг илк вакили Ҳаким Термизий (ваф. 320/932) ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Илк ҳижрий уч аср мобайнида “мақосид” тушунчаси, гарчи ўша пайтда у “ҳикмат”, “иллат” (сабаб), “муносабат”, “асрор” (сирлар), “ағроз” (мақсадлар) ёки “маоний” (маънолар) каби сўзлар билан ифодаланган бўлсада, мустакил мавзу сифатида ёритишга эътибор қаратилмаган эди. Ҳаким Термизийнинг “ас-Салот ва мақосидуҳо” (Намоз ва унинг мақсадлари) китоби бу борада ёзилган илк асар бўлди (А.Жасер, 2011:37). Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Ҳаким Термизийнинг “ал-Ҳаж ва асроруҳу” (Ҳаж ва унинг сирлари), “Сабаб ат-такбир фи-с-салот” (Намозда тақбир (Аллоҳу акбар) айтишнинг сабаби), “Илал аш-шария” (Шариат ҳукмларининг келиб чиқиши сабаблари) асарлари унинг “мақосид” илмида илк бора тизимли ижод қилган факиҳ бўлганини тасдиқлади. Шунингдек, Ҳаким Термизий билан бир даврда яшаган Абу Зайд Балхийнинг (ваф. 322/933) “ал-Ибона ан илал ад-диёна” асари ҳам муомалот бобидаги “мақосид” масалаларига бағишиланган илк асарлардан бири бўлган. Мазкур даврнинг яна бир муҳим шахсларидан бири сифатида шофеий олим Абу Бақр Каффол аш-Шоший (ваф. 365/975) ва унинг “Маҳосин аш-шария” асарини ҳам қайд этиш лозим. Мазкур асар методологик ва амалий масалаларни ўзида жамлаган фиқҳий асар сифатида шофеий мазҳаби доирасида яратилган муҳим манба ҳисобланади. Шаклланиш босқичи вакиллари категорига шофеий мазҳаби уламолари – Имом Жувайний (ваф.

Аннотация. Мақолада “мақосид аш-шариа” – шариат мақсадлари илмининг шаклланиши ва ривоҷислашими босқичлари муҳокама қилинади. Шунингдек, мовароуннахрлик машҳур сүфий Ҳаким Термизийнинг шариат мақсадлари илмининг асосларини шакллантиришидаги хизмати таҳлил қилинади. Олимнинг “Исбот ал-илал”, “ас-Солат ва мақосидуҳа”, “ал-Ҳажж ва асроруҳу” асарлари мақосид аш-шариага доир илк назарий ва амалий аҳамиятга эга қўлланма бўлган эди. Маълумки, шариат мақсадларининг дастлабки кўринишлари Пайғамбар алаиҳиссалом ва саҳобийлар давридан бошлаб намоён бўла бошлаган эди. Улардан кейин тобеийлар, мазҳаббошилар фаолияти мазкур имл ҳақида тизимли қараашлар пайдо бўлиши учун қулай шарт-шароит яратилишига хизмат қилди. Умавийлар давридан бошлаб мазҳаблар доирасида ҳуқуқшуносликка оид қўплаб асарлар яратилди: ҳанафийлар “қиёс” ва “истиҳсон” масаласида, моликийлар “масолих мурсала”, “амал аҳли Мадина”, ҳанбалийлар “саҳобий сўзи ва раъйининг ҳужжат экани” каби усулий қоидаларни муҳокама қиласаётган эдилар. Айнан учинчи ва тўртингч ҳикжрий асрларда шариат ҳикмати, унинг мақсадлари ҳақида назарий мулоҳазалар юритилиб, усулий китобларда шариат инсонлар манфаати риояси учун юборилгани борасида сўз бораётган эди. Мақола муаллифи Ҳаким Термизийнинг шариат мақсадлари ҳақидаги дастлабки қараашлари, айнан шу сўзининг ҳосилаларини ўз асарларида ишлатиши кейинги муаллифлар учун бу мавзуда фаолият олиб боршилари учун таянч-асос бўлганини ёритиб берган. Шу билан бирга, шариат мақсадларига оид фикрлар Имомул Ҳарамайн Жувайнин (1028–1085) давридан бошлаб тизимли шаклга келгани кўрсатиб берилган. Мақолада Ҳаким Термизий ўзига хос фикҳий қараашлари билан ислом ҳуқуқшунослигидаги муҳим янгиланишиларни бошлаб бергани хулоса қилинган.

Калит сўзлар: мақосид аш-шариа, иллат, ирфон, заруриёт, ҳожсиёт, таҳсиниёт, ижтиҳод, мазҳаб.

Abstract. The article discusses the stages of formation and development of the science of “Maqasid ash-sharia” – the goals of Sharia. Also, the service of Hakim Tirmidhi, a famous Sufi from Mawarannahr, in forming the foundations of this science is analyzed. The scholar’s works such as “Isbat al-Ilal”, “as-Salah wa maqasiduha”, and “al-Hajj wa asraruhu” were the first theoretical and practical guides on Maqasid al-sharia. It is known that the first manifestations of the purposes of the Sharia began to appear from the time of the Prophet and his Companions. After them, the activities of followers and madhab imams served to create favorable conditions for the emergence of systematic views on this science. From the time of the Umayyads, many jurisprudential works were written within the framework of the madhabs: the Hanafis were discussing the issue of “Qiyas” and “Istihsan”, the Malikis were discussing the procedural rules such as “al-Masalih al-mursala”, “Amal Ahl al-Madinah”, the Hanbalis were discussing “whether the word and opinion of the Companions is a document”. It was in the third and fourth Hijri centuries that theoretical discussions were held about the wisdom of Sharia and its goals. In the books of Usul, it was mentioned that the Sharia was sent for the benefit of people. The article highlights that Hakim Tirmidhi’s initial views on the goals of Sharia, and the use of the derivatives of this word in his works were the basis for subsequent authors to work on this topic. At the same time, it is shown that the ideas regarding the goals of the Shari’ah took a systematic form from the time of Imam al-Haramayn Juwaini (1028–1085). The article concludes that Hakim Tirmidhi initiated important innovations in Islamic law with his unique jurisprudential views.

Keywords: maqasid ash-sharia, illat (reason), irfan, zaruriyat, hajiyat, tahsiniyat, ijtihad, madhab.

Аннотация. В статье рассматриваются этапы становления и развития науки «мақасид аш-шариат» - цели шариата. Также анализируется заслуга Ҳакима Термези, известного сұфия из Мавераннахра, в формировании основ науки о целях шариата. Труды ученого «Исбат ал-илал», «Ас-Солат ва мақасидуҳа», «Аль-хаджж ва асроруҳу» были первыми теоретическими и практическими руководствами по «мақасид аш-шариату». Известно, что первые проявления целей шариата стали проявляться со времен Пророка и его сподвижников. После них деятельность табиинов и основателей мазхабов послужила созданию благоприятных условий для возникновения системных взглядов на эту науку. Со времен Омейядов в рамках мазхабов создавались многие юридические труды: ханафиты обсуждали вопрос «кыйаса» и «истиҳсан», маликиты обсуждали процессуальные нормы, такие как «масалих мурсала», «амаль Ахль аль-Мадина», ханбалиты дискутировали о том, что «слово и мнение сподвижников — это документ». Именно в третьем и четвертом веках хиджры велись теоретические рассуждения о мудрости шариата, его целях, а в методических книгах говорилось, что шариат послан на благо людей. Автор статьи пояснил, что первоначальные взгляды Ҳакима Термези на цели шариата, использование производных от этого слова в его произведениях послужили основанием для работы последующих авторов над этой темой. В то же время показано, что представления о целях шариата приобрели систематическую форму со времен имама ал-Ҳарамайна Джусвейни (1028–1085). В статье делается вывод о том, что Ҳаким Термези инициировал важные новшества в исламской юриспруденции своими уникальными взглядами на фикх.

Ключевые слова: мақасид аш-шариат, иллат, ирфан, необходимость, потребность, таҳсиниёт, ижтиҳад, мазҳаб.

478/1085) ва унинг шогирди Абу Ҳомид Ғаззолийни (ваф. 505/1111) ҳам киритиш мумкин. Юқори-даги маълумотлар умумлаштирилса, “мақосид” борасидаги карашларнинг шаклланиш босқичи деярли бир аср давом этгани аён бўлади. Иккинчи босқичнинг атоқли олимлари сифатида шофеий уламолар Фахриддин Розий (ваф. 606/1209), Сайфиддин Омадий (ваф. 631/1233), Иззуддин ибн Абдуссалом (ваф. 660/1262), моликий факих Аҳмад ибн Идрис Қарофийни (ваф. 684/1285) қайд этиш лозим. “Мақосид” ривожидаги ушбу муҳим босқич мазкур илмнинг бойитилиши, босқичнинг шаклланиш жараёни якунланиши, соҳаларнинг белгиланиши, айrim фикрларнинг қайта кўриб чиқиб, тўғриланиши билан характерланади.

Учинчи босқич эса “мақосид аш-шария”га киритилган янги қараш-фикрлар билан боғлик. Бу босқичнинг машхур сиймоси моликий Имом Абу Исҳоқ Шотибий (ваф. 790/1388)дир. Унинг “ал-Мувафақот фи усул аш-шария” (Шариат асосларидаги мувофиқликлар) асари “мақосид аш-шария”га бағишлиланган жуда муҳим асар хисобланади.

Юқорида кўриб чиқилган босқичлар салмоғи, муддати, амалга оширилган ишлари нуқтаи назаридан бир-биридан фарқланади. Ўз даври хусусиятидан келиб чиқиб, “мақосид”нинг муайян долзарб бўлган масаласига эътиборнинг кучайиши, қолганларига эътибор камроқ қаратилиши, янги муҳим йўналишлар белгиланиши каби жиҳатлар санаб ўтилган босқичлар кесимида кўзга ташланади. Аҳамиятлиси шундаки, “мақосид аш-шария” илмининг ривожланиши XIV асрга келиб Имом Шотибийнинг 1388 йилда вафот этиши билан тўхтади. Бундан кейин соҳага оид кўзга кўринган асарлар ёзилмагани, илм сифатида ривожланмагани мазкур йўналишга кизиқиш сусайганини намоён этади. Мазкур ҳолатга барҳам берган моликий факих, Тунис муфтийси – Мухаммад Тоҳур ибн Ошур (1879) мақосид илмига янги рух бергунга қадар деярли олти аср давомида бу йўналишда турғунлик юзага келди (М.Хусайн, 2005:113). Юқорида зикр этилган олимларнинг аксари шофеий ва моликий мазҳабида бўлганини мулоҳаза қилган ҳолда, уларнинг энг аввалида ҳанафий мазҳаби вакили – Ҳаким Термизий (ваф. 320/932) турганини қайд этиш ўринли.

Ҳаким Термизий фикҳ, тасаввуф ва фалсафани ўзаро мувофиқлаштира олган ўз замонасининг илғор мутафаккири бўлган. У фикҳ илми, мазҳабларнинг шаклланиш жараёнлари якунига етаётган даврда яшаб, шариат илмини

фалсафий тафаккур билан бойитди. Унинг фикҳга доир асарлари анъанавий фиқҳий асарлардан услубий жиҳатдан катта фарқ қиласи. Кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, Термизийнинг асарлари ўз замонасидан илгарилаб кетгани учун ҳам ўз даврида етарлича англанмаган. Ҳозирги кунда олимнинг “мақосид аш-шария” мавзусига доир фикрлари долзарблик касб этиб бормоқда.

Ҳаким Термизийнинг “ҳар бир шаръий ҳукм ақл билан англаб тушунилади ва унинг ортида иллат (сабаб, асос) туради”, деган қараши жамият тараққиётида муҳим ўрин тутади. Мана шундай қарашлари учун бўлса керак, Термизий мероси кўплаб чет эллик, аксарияти ғарб олимлари томонидан чуқур ўрганиб келинади. “Мақосид” илми герменевтика фани билан ҳам боғлик. Бу эса матнларга янги назар билан қараш, уларни шарҳ ва талқин қилиш имконини беради.

Ҳаким Термизий ўз асарларида “мақосид” сўзини ҳозирги кунда кўлланадиган шаклида ишлатмаган. Унинг асарларида “илал” (сабаблар), “асбоб” (сабаблар), “асрор” (сирлар), “маоний” (маънолар), “ғоёт” (ғоялар), “ботин” (яширин маъно), “ҳикмат”, “латоиф” (нозик тушунчалар) сўзлари ҳамда “мақосид” сўзининг ^ص ўзагидан от ёки феъл шаклида “мақсад”, “мўлжал” маъносida кўлланилган (Х.Захрий, 1998:137). Ҳаким Термизий ҳукмлардан кўзланган мақсадларга бағишлиб ёзган “Исбот ал-илал” (Сабабларни сабит қилиш) асарида ибодат ва муомалот масалалари ҳамда айrim ақидавий масалаларнинг сабабларини муҳокама қиласа, “ас-Салот ва мақосидуҳо” асарида таҳорат, намоз руқнлари ва суннатларининг моҳияти, “ал-Ҳаж ва асроруҳу” рисоласида ҳаж арконларидаги ҳукмларнинг мақсади, сирлари ва ҳикматлари ҳақида сўз юритади.

Замонавий уламолар “мақосид аш-шария”ни уч қисмга: “мақосид омма” (умумий мақсадлар), хосса (хусусий мақсадлар), жузъияга (жузъий мақсадлар) ажратадилар (Н.Жуғайм, 2013:26–27). Ваҳоланки, Имом Жувайнин (1028–1085) мақосидни XI асрда заруриёт (заруратлар), ҳожиёт (эҳтиёжлар) ва таҳсиниёт (таҳsinga сазовор ишлар) қисмларига бўлган эди (А.Рисуний, 2014:73). Термизий бир-бири билан чамбарчас боғлик мазкур турларнинг барчаси бўйича ўз мулоҳазаларини баён қиласи. Мақосид оммага оид 5 та заруриёт – дин, нафс, насл, ақл ва мол-дунё муҳофазаси Ҳаким Термизий асарларида ўрин олган. Жумладан, “Имон келтириши билан дин муҳофазаси, қон тўкиш

тақиқланиши билан нафс ва акл муҳофазаси, молмулкка тажовуз қилиш тақиқланиши билан молмулк муҳофазаси, шаън-обрў тўкиш тақиқланиши ва қасос билан насл ва шаън муҳофазаси амалга ошади” (Х.Термизий, 1998:80), дейди Термизий.

Ҳаким Термизий “Мақосиди хосса”га оид фикҳий боблар кесимида ҳам: “ас-Салот ва мақосидуҳо”, “Ҳаж ва асроруҳу” каби маҳсус асарлар таълиф этган. “Мақосид жузъия”га оид матнлар ҳам Ҳаким Термизийда жуда кўп учрайди. Жумладан, “Наводир ал-усул” (Камёб усуулар) асарида жузъий мақсадлар ўлароқ “таҳорат”, “сажда”, “ният” каби мавзулар ёритилган.

Шариат “иллат”ларини билиш “мақосид аш-шария”нинг муҳим қисмларидан биридир. Шариат мақсадлари назариясининг пайдо бўлиши “иллат”лар мавзуси билан чамбарчас боғлиқдир. “Иллат” мавзуси “мақосид аш-шария”нинг илк ибтидоси бўлган эди. “Иллат” сўзи лугатда “бир нарсада ҳосил бўлиши билан ўша нарсанинг ҳолини ўзгартирувчи”ни англатади. Шу эътибордан беморлик ҳам “иллат” дейилади. Усул ал-фикҳ уламолари иллатни: “Маслаҳат (фойда, манфаат) юзага чиқиши учун маълум ҳукмнинг шариатга киритилишига сабаб бўлган нарса ёки ҳукмни танитувчи сифат”, деб таърифлаганлар (Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, 2019:138–140).

Ҳаким Термизий шариат ҳукмларининг “иллат”лари, яъни сабабларини тадқиқ қилган илк олимлардан бўлган. Ҳаким Термизийга кўра, масалаларнинг “иллат”ини билиш бу валийларга хос илмдир. “Мақосид” қарашлари албатта ижтиҳод мавзуси билан боғлиқ. Ҳаким Термизийга кўра, мужтаҳиднинг салоҳияти “иллат”ларни ва ҳукмларнинг маъноларини билиш билан ўлчанади. Зоро “фикҳ”нинг ўзи ҳукмларнинг мақсадларини билиш, амр ва нахйнинг (буйруқ ва тақиқларнинг) сирларини каşф қилишдир.

МУҲОКАМА

Ҳаким Термизий ҳукмларнинг мақсадларини каşф қилишда бир қанча ихтиофлар келиб чиқиши мумкинлигидан огоҳлантиради. Биринчидан, ҳар бир шаръий матн бир қанча маъноларга эга бўлиб, унинг “иллат”лари ва нозик жиҳатларини ҳамма ҳам кўра олмайди. Иккинчидан эса, акл ва зеҳний салоҳият ўртасида тафовут бўлиб, ижтиҳод масаласида хилма-хилликни келтириб чиқаради. Ҳаким Термизийнинг асарларига қаралса, гарчи

у ҳанафий фикҳини ўрганганини қайд этсада, аммо айрим масалаларда ҳанафийликдан фарқли фикҳий холосалар беради.

Шариатни жорий қилган Зотнинг шариат ҳукмлари борасидаги мақсадлари ҳақида ҳукмлар “муаллал” (яъни, асос ва сабаблари мавжуд) бўлганда гапириш мумкин. “Иллат” – “хикмат” сўзига маънодош бўлиб келса, у тўлиғича “мақосид”ни англатади (Н.Жуғайм, 2013:144).

Ҳаким Термизий таълил (ҳукмларнинг жорий килиниш сабаблари ва асосларини келтириш) масаласида акл ва нақлни асос, деб кўрсатади. Бунда у Куръон, суннат, саҳобийлар, тобеийлар, етакчи уламолар сўзларига таянилиши ҳамда айрим ўринларда тафаккур ва тадаббур орқали ечим топилишини амалда кўрсатиб беради. Ижтиҳодий фаолиятда араб тилини билиш ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Ҳаким Термизий шаръий ҳукмларнинг “иллат”ини англаш учун араб тилини билиш энг муҳим омиллардан, деб ҳисоблайди. Ўзи ҳам араб тилидаги сўзларнинг асл маъноларидан “иллат”ни очиб беришда унумли фойдаланади. Масалан, “закот” сўзининг лугавий маъносидан фойдаланиб, закотнинг “иллат”и – “ўсиш” (молиявий) эканини айтади. Ёки рамазон рўзасининг “иллат”ини “гуноҳлардан покланиш”, деб таъкидлашда ҳам “рамазон” сўзининг “куйдириб тушириш” маъносидан фойдаланади. Ўз асарларида Ҳаким Термизий тилшунослар ва тил донишмандлари (ҳукамо би илм ал-луға) ўртасини фарқлаб, тилшунос ҳакимларни юкори поғонага қўяди. Тил олимларини фақат зоҳирий масалалар билан чекланиб қолганлари, сўзларнинг яширин маънолари, ҳарфларнинг сирларини билмасликлар учун танқид қиласди.

Ҳаким Термизий сўзларнинг маъноларини чукурроқ очиб бериш мақсадида истиора ва мажоздан ҳам унумли фойдаланади: қуёш – қалб, тутун – шаҳватлар, сел – раҳмат оқиб келиши, ҳароба иморат – ёмон ахлоқ. Шунингдек, намозни тўйга, ундаги амалларни таом, сўзларни ичимликка ўхшатади (истиора) (Х.Захрий, 2009:159–162).

Ҳаким Термизий иллатларни келтиришда юқорида қайд этилган нақлий, ақлий, лугавий асослардан ташқари ирфоний қарашларига ҳам таянади. Масалан, намозга такбир айтишининг “иллат”ини куйидагича келтиради: “Агар такбир (Аллоҳу Акбар) айтса, кибрни Аллоҳга топширади, ундан ҳалос бўлади, нафсини ерга уради. Агар нафсини ерга урса, Аллоҳ у (кимса)ни кўтаради, зоро у кимса бандада қиёфасида намоён

бўлди. Аллоҳ Ўз бандаларини банда суратида бўлгандарида яхши кўради. Қачонки, ўзларидан кетиб, кибрга берилсалар, уларни ёмон кўради. Чунки уларнинг бу ҳолатида Унга хос нарсага ўхшашгага интилиш бор” (Ҳ.Термизий, 1965:30). Ҳаким Термизийнинг ирфон асосидаги айrim “таълил”лари бир қарашда бошқа асосларга таянгандек туюлиши ҳам мумкин. Аммо у келтирган ибодат “иллат”лари муомалот “иллат”ларидан фарқланиб, ўзига хос услубий асосга эга бўлиши табиий эди. Мана шу услубият ифодаси учун Ҳаким Термизий айнан ирфон йўлини муносиб, деб танлади. Бу ирфоний услубиятни “ноилмий”, ёки “тасаввурдан ташқарида”, деб баҳолаш тўғри эмас (Т.Ҳажжи, 2016).

Ҳаким Термизийнинг сони саксондан ошик асарлари орасидан – “Наводир ал-усул” (Камёб усуллар), “Хатм ал-авлиё” (Валийларнинг муҳри) ҳамда “Илал аш-шария” (Шариат сабаблари) ҳаётлик вақтидаёқ машҳур бўлган. Тарихий манбаларда айнан охирги иккитасидаги қарашлари туфайли муаллиф кўп тазиикларга учрагани қайд этилган (Ҳ.Захрий, 2013:61).

Манбаларда “Илал аш-шария” номи билан зикр қилинган асар “Исбот ал-илал” (Сабабларни сабит қилиш), “Илал ал-убудия” (Бандалик сабаблари), “Китоб ал-илал” (Сабаблар китоби) номлари билан ҳам юритилган. Ушбу асарни “ислом шариати ҳикматига бағищланган, унинг маънавий жиҳатларини намоён этувчи услубий қўлланма”, деб таърифлаш мумкин. Умуман олганда, Ҳаким Термизий барча илмларда маънавий омиллар татбиқ этилиши тарафдори бўлган.

“Исбот ал-илал” асарида Ҳаким Термизийнинг “мақосид”га доир қарашлари яққол намоён бўлади. Унинг “Исбот ал-илал” китобини ёзишидан мақсади қўйидагиларда акс этади: биринчидан, диндаги ҳар бир хукмнинг мақсади, сабаби (иллат), ҳикмати бўлиши ва албатта инсон уларни англаб ета олишини тушунтириш; иккинчидан, у ёки бу хукм (буйруқ ва таъқиқ) ортида айнан қайси “иллат” – сабаб турганини амалий кўрсатиб бериш (H.Nicholas, 1960). Ҳаким Термизий хукмларнинг иллатини билишда қўйидаги асосларга таянади: 1) лугавий, 2) нақлий, 3) завқий-ирфоний (Ҳ.Захрий, 1998:48) ҳамда 4) мантикий-изчилилк усули.

Ҳаким Термизий “таълил” ҳақидаги қарашлари учун ўз даврида тазиикқа учраган. Чунки бу мавзу ўша давр уламолари ўртасида ихтилофли масала эди. Унинг ўзи ҳам бу вазиятни “Исбот

ал-илал” китобининг муқаддимасида келтириб ўтган: “Сен буйруқ ва қайтариқ (ал-амр ва-н-наҳй) “иллат”ларининг исботи бўйича кишилар мунозара қилган нарсалар ҳакида мендан сўрадинг. Баъзилар айтдиларки, бу Парвардигоримиздан “тааббудий” (ҳикматини бандар тушунмай ибодат қиласидан амал)дир. Аллоҳ бандаларини яратган экан, улар (бандалар) буйруқ ва қайтариқ (ал-амр ва-н-наҳй)га бандаликни изҳор этиб (ҳикматини суриштирмай), итоат қиласидар. Унинг буйруқларига “иллат” йўқдир. (Тааббудий масалалар бандалар учун) имтиҳон ва синовдир... Аммо, (биссинларки) хукмларнинг “иллат”лари мавжуд, уларни англаганлар англайди, билмаганлар эса, билмайди” (Ҳ.Термизий, 1998:67). Сўнгра муаллиф хукмларнинг “иллат”лари мавжудлигини исботлаш учун оятлар (Бақара, 143; Муҳаммад, 31; Анкабут, 1–3; Анбиё, 35; Муддассир, 31) ва ҳадисларга, сўнгра мантикий усулларга таянади. Мантикий усулларга мисол: “Аллоҳ таоло бандаларига бирор нарсани буюрса ёки бирор нарсадан қайтарса, беҳудага қиласидан ёки ҳикмат биланми? Агар беҳудага деса, Аллоҳнинг буйруқларига бепарво ва беписанд бўлиб, уни ўйинга йўйган бўлади. Агар “амр ва наҳй ҳикматдан чиқарилган” деса, унга “қани ўша ҳикмат, у нима экан?” дейилади” (Ҳ.Термизий, 1998:69). Шундан сўнг аллома ҳикмат илми орқалигина хукмларнинг иллатини аниқлаш мумкинлигини айтиб, ҳикмат илмининг афзаллигини кўрсатади: “Ҳикмат – илмнинг ботини – яширин қисми, ботин – нарсанинг мағзидир, зоҳир – нарсанинг пўстлоғи. Манфаат мағизда, пўстлоқда эмас” (Ҳ.Термизий, 1998:69). Буйруқ ва қайтариқ “иллат”ини билиш учун эса қўйидагилар талаб этилишини баён қиласиди: “Агар бандар нағсини тарбияласа (риёзат), шаҳватлардан фориғ бўлса, кўксини (شاҳват тутунларидан) холи қиласа, Аллоҳ таоло унинг кўксини Ўз нури билан очиб, шу нур билан тўлдиради. Шу нур орқали ҳикматларни мулоҳаза қила бошлайди, шу мулоҳазадан буйруқ ва тақиқнинг “иллат”ини англайди” (Ҳ.Термизий, 1998:72).

НАТИЖА

Ҳукмларнинг “иллат”ини аниқлаш (таълил) масаласи хозирги кунга қадар ҳам жуда мунозарали масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада шофеий олим Тоқијиддин Субкийнинг (1327–1370) қўйидаги гапи илмий доираларда кенг тарқалган: “Мутакаллимларда Аллоҳнинг хукмлари “таълил” қилинмаслиги машҳур бўлса, факихларда эса

“таълил” қилиниши машхурдир”. Имом Шотибийга кўра эса, “аслида калом майдонида бу масала юзасидан пайдо бўлган ихтилофнинг таъсири кейинчалик усул ал-фикҳга кўчди” (Н.Шариф, 2021).

Тарихий манбаларга кўра хукмларнинг “иллат”и мавзусига доир муносабатлар умумий кўринишда куйидагича шаклланган:

Хукмлар иллатини мутлақ инкор қилувчилар – зоҳирийлар ва ашъарийлар.

Мутлақ кўллаб-кувватловчилар – мўътазилашлар ва баъзи аҳли сунна намояндалари.

Кисман кўллаб-кувватловчилар – мотуридийлар ва айрим аҳли сунна уламолари (Н.Шариф, 2021).

Асрлар давомида кечган бу ихтилофни машхур уламолар – Муҳаммад Тохир ибн Оштур (1879–1973), Рамазон Бутий (1929–2013) “лафзий” деб мувофиқлаштирганлар.

Жазоирлик олим Нўймон Жуғайм (1966 й. туғилган) таърифига кўра: “Усул ал-фикҳ китобларида ибодат масалаларидан ташқари деярли барча шаръий хукмлар “муаллал” (асос ва сабаблари келтирилган) ва маъноси маъқулланган. Ибодат масалалари, гарчи, Аллоҳ истаган ҳикмат ва мақсадларда жорий қилингани айтилсада, уларнинг аксариятининг “иллат”и ақлга номаълум. Шу сабабли ҳам ибодатга оид хукмлар “таълил” қилинмаслигига йўйилган. Аммо бир нарсани билмаслик ўша нарса йўклигини англатмайди ёки айрим хукмларнинг ҳикмат ва иллатини англаб етмаслигимиз, хукм “иллат”из эканини ҳам билдирамайди, бу ақлимиз калталиги ва Аллоҳнинг шу илмни биздан яширишни ирова қилганини кўрсатади” (Н.Жуғайм, 2013:149).

Хукмларнинг “иллат”ини аниқлаш динни англашнинг ажралмас қисми бўлиб, хукмларнинг мазмун-моҳиятини тушунишда алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳолат қуйидагиларда намоён бўлади:

Куръони каримда ҳам кўп хукмларнинг “иллат”и зикр этилган. Масалан, Бақара сураси, 222-оятда: «Сиздан ҳайз тўғрисида сўрамоқдалар. Айтинг: “У азиятдир. Бас, ҳайз пайтида хотинларингиздан четланингиз”». Ушбу оятда Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига хукмнинг “иллат”ини хукмнинг ўзидан олдин айтишни буормоқда.

Пайғамбар алайхиссалом ҳадисларида ҳам хукмнинг “иллат”и кўп ўринда зикр қилинади. Масалан, “Рухсат сўраб кириш, кўз тушиши сабабли жорий қилинди”, ёки мушук ҳақида: “Нопок эмас, балки, атрофингизда айланиб юрувчидир”, ҳадисларини келтириш мумкин.

Хукмларнинг “иллат”ини билиш – шариатни тушуниш, унинг мақсадларини англаш, ўз ўрнига қўйиш бўйича араб тилини билишдан кейинги иккинчи қалитдир. Бусиз саёзлик, қусур ва адашиш келиб чиқади. Шу билан бирга, “таълил” хукм келмаган масалада ижтиход қилишга олиб борувчи йўлдир.

“Хукм ўз “иллати” билан жорий бўлиши” фикҳий қоидаси хукмларнинг ўзгаришларини намоён қилувчи муҳим жиҳат ҳисобланади. Яъни, муайян “иллат” асосида чиқарилган хукм ўша “иллат”га боғлиқ бўлиб, “иллат” давомийлигига караб, хукм ҳам жорий бўлиб туради. “Иллат” кетиши билан хукм ҳам бекор бўлади, “иллат” яна қайта тикланиши билан хукм ҳам қайта жорий бўлади (А.Рисуний, 2014).

“Мақосид” ва “иллат”нинг бир-бири билан боғлиқлиги уларнинг ўхшашлик ва фарқли жиҳатларида намоён бўлади. Қуйидагиларда улар ўхшаш: 1) Иккови ҳам усулга таянади ва яширин бўлиши мумкин, унга далолат қилиш учун турли йўллар керак бўлади. 2) Иккови ҳам очиқ-ойдин ва аниқ ёки ижтиход қилиш талаб этиладиган даражада мавхум бўлиши мумкин. 3) Иккови ҳам хукм чиқаришга хизмат қиласди, бироқ, “иллат” изланишлар асосида топилиши мумкин, аммо “мақосид” турли бўлиши ҳамда баъзан топилмаслиги ҳам мумкин. 4) Иккови ҳам хукмнинг жорий бўлиши ёки бекор қилиниши учун ундан кўзланган мақсадни ифодаловчи омилдир. 5) Иккови бир-бирини тақозо этади. 6) Мақсадлар “иллат”ни аниқловчи йўллардан бири ҳам бўлади, мақсад аниқланса, “иллат” ҳам топилади.

Қуйидагиларда “мақосид” ва “иллат” фарқланади: 1) “Иллат” – хукмни аниқлаштириб берувчи, унга далолат қилувчи воситадир. “Мақосид” – жорий этиладиган хукмлардан кўзланадиган манфаатлардир. 2) “Иллат” – сабаб, асосдир, лекин хукмнинг ўзи эмас. “Мақосид” – “иллат”ни билиш орқали хукмдан олинадиган манфаатдир (У.Аднон, 2015:1216).

Ҳаким Термизий масалаларнинг “иллат”и (сабаби)ни тўғри аниқлаш ботин илмини ўзлаштирган уламоларга хос эканини таъкидлайди. Аллома “ilm ал-ботин” (ички-яширин илм) ва “ilm az-zohir” (ташқи-ошкора илм) бир-бирига ошно эканини айтисада, “ilm ал-ботин”ни англаган ҳакимни “ilm az-zohir”ни эгаллаган олимдан юқори кўяди. Жумладан, шундай ёзади: “Аллоҳ ҳузуридаги илм – денгиздир. Бу денгиздан У расулларга дарё (микдорида илм) ато

этади, расуллар бу дарёдан уламоларга анхор (микдоридаги илм) берадилар, уламолар эса, оммага кичик ариқни улашадилар. Анбиёларга пайғамбарлик масъулиятини кўтара оладиган ақл берилган, олимлар эса омма тоқат қила олмайдиган илмга муносиб тарзда ақллари зиёда қилинган. Худди шундай ботин уламолари – хукамолар эса зоҳир уламолари ожиз бўлган илмларни кўтара олишлари учун ақллари зиёда қилинган. Улар зоҳир уламолари тоқат қила олмайдиган илмни эгаллайдилар, шунинг учун ҳам зоҳир уламолари баъзи бандаларнинг сувда юриши, юрганларида ернинг уларнинг олдига ўзи тортилиб келиши, уларга ризқнинг одамлар иштирокисиз муҳайё қилинишини инкор этадилар”. Шундан сўнг муаллиф зоҳир уламоларини танқид қилиб, улар Аллоҳни таниғанлари билан, ҳали Уни ҳақиқий англаб (ҳаққ ал-маърифа) етманлари сабабли уларда дунёга ҳирс, мақтовга ўчлик, мансабпастлик каби қусурлар бор эканини коралайди. Ҳаким Термизий фикҳ ва факих сўзларини таҳлил қилиб, бу сўзлар аслида “ислом ҳуқуқи” ва “ҳуқуқшуноси”, деган маънони эмас, балки, ашёларнинг ботиний томонларини англатишини тушунтириб беради (Х.Термизий, 1988:270–358).

Ҳаким Термизий кўплаб асарларида фикҳий мавзуларни кўтаради, ўз китобларида дин ҳукмларини ботиний жиҳатлар, ички маънавий таъсиrlар нуктаи назаридан муҳокама килади. Ҳаким Термизий фақихлар мурожаат қиласига “фикҳий ҳийлалар” масаласига алоҳида эътибор беради. Фикҳий ҳийлаларда адолат мезонини тарк этган фақихларни Аллоҳни алдашга уриниш, дин кўрсатмаларини ўзгартириш, мансабдорларга тилёғламалик қилишда айблайди. Зоро, баъзи фақихлар масалаларнинг “иллат”ини тўғри аниқлай олмай, ёки баъзи яширин “иллат”ларни англамасдан, нотўғри хulosалар чикарадилар ва шу билан инсонлар ўз ҳақконий мажбуриятларини бажармасликларига йўл топиб берадилар (М.Жующий, 1980:128–130), дейди. Ҳаким Термизий шу каби бир неча масалаларни “ал-Масоил ал-афина” (бадбўй масалалар) номи остида кичик рисолада жамлайди.

Юкоридаги мулоҳазалари билан Термизий фақихларни уч тоифага ажратади:

Дунё матоҳларига эришиш учун илм талаб қилганлар.

Зоҳирий илм йўлидаги фақихлар – улар ҳикмат нуридан мосуводирлар. Шунинг учун ҳам масалаларнинг ботиний жиҳатларидан бехабарлар.

Ҳикмат нури берилган, масалаларнинг яширин жиҳатларини ҳам англай оладиган ҳақиқий қиёс ахли (А.Барака, 2014:99–102).

Ҳаким Термизийга кўра, фақатгина учинчи тур фақихларгина барча масалаларда тўғри ҳуқуқий ечим бериш, ҳукмларнинг иллатини тўғри аниқлай олиш салоҳиятига эга бўладилар. Қолганлар эса ҳикмат ато этилмагани учун хатога йўл қўйишлари мумкин.

Бу билан Ҳаким Термизий исломнинг замон билан ҳамнафас бўлиши, бирёклама қарашлар чегарасида чекланиб қолмаслиги учун ҳукмларнинг мақсадига эътибор бериш, унинг аниқ сабаби – “иллат”ини аниқлаш орқали амалиётга жорий қилиш заруриятини таъкидлайди. Ҳаким Термизий мазкур йўналишдаги асарлари билан шариат максадлари бўйича ижод қилган илк мутафаккир ҳисобланади. У хижрий тўртинчи асрдаёт шаръий ҳукмларни чиқаришда шариат мақсадлари доирасида ижтиход қилиш методологиясини ишлаб чиқсан ва ислом ҳуқуқшунослиги соҳасида янгиланиши амалга оширган.

ХУЛОСА

“Мақосид аш-шария”нинг дастлабки кўришилари Пайғамбар алайхиссалом ва саҳобийлар даврида кўзга ташланган. Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар инсонларни диний масалаларга ҳам ақл кўзи билан қарашга, маърифат билан изланишга унданган.

Фикҳий мазҳаблар ўз фаолияти доирасида “мақосид” қарашлари шаклланиши учун қулай шароит яратган эди. Мазҳабларнинг ўзаро баҳс-мунозаралари ҳам “мақосид” доирасидаги фикрлар сайқалланиши учун қулай имконият берган эди.

Ҳаким Термизийнинг “мақосид”га доир дастлабки қарашлари, айнан шу сўзнинг ҳосилаларини ўз асарларида ишлатиши кейинги муаллифлар учун бу мавзуда фаолият олиб боришлари учун таянч-асос бўлган.

“Мақосид”га тегишли фикрларни қайд этиш жараёнлари, Ҳаким Термизий асарлари билан IX–X асрларда бошланган бўлса, Имом Жувайнин (1028–1085) давридан бошлаб, у тизимли шаклга келди, дейиш мумкин. Айниқса, Имом Жувайнининг “мақосид”ни “заруриёт”, “ҳожиёт” ва “таҳсииёт” қисмларига ажратиши “мақосид”га нисбатан тизимли қарашларни шакллантириди.

Ҳаким Термизийнинг “Исбот ал-илал” аса-ридаги муамалот ва ибодат масалаларига оид иллатлар ўз мазмун-моҳиятига кўра фарқланади.

Ҳаким Термизий энг муҳим фикрларидан бири – “ҳар қандай шаръий хукм ортида “иллат” (асос ва сабаб) бордир”. Ҳар бир “иллат” Ҳаким Термизийда ахлоқий ўзакни ҳам ўз ичига олади. Яъни, ҳар бир хукмнинг ахлоқий-маънавий жиҳатлари мавжуд. Бу каби карашлари билан Ҳаким Термизий ислом фикхida муҳим янгиланишларни бошлаб берди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. А.Барака. (2014). Ал-Ҳаким ат-Термизий ва назарийатуҳу фи-л-вилоя. Қоҳира: Мактаба Ваҳба.
2. Жасер Авда. (2011). Мақосид аш-шария ка-фалсафа ли-т-ташриъ ал-исламий. Вашингтон: Халқаро ислом тафаккури институти.
3. Жасер Авда. (2011). Мақосид аш-шария: далил ли-л-мубтадиин. Вашингтон: Халқаро ислом тафаккури институти.
4. М.Жуюший. (1980). Ал-Ҳаким ат-Термизий: дироса ли осориҳи ва афкориҳи. Қоҳира: Дар ан-наҳда арабиyya.
5. X.Захрий. (2013). Ҳаким Хурон ва аниш аз-замон. Работ: Марказ ад-диrosot va-l-abhos.
6. X.Захрий. (2009). Тажаллиёт ал-Бурхон. Байрут: ал-Мактаба ал-Асрия.
7. X.Захрий. (1998). Ҳаким Термизийнинг “Исбот ал-илал” асари нашрининг кириш қисми. Работ: Куллият ал-адаб ва-l-улум ал-ижтимайя.
8. Камолиддин Мұхаммад. (2015). Ал-Мақосид қабла-ш-Шотибий // ар-Робита ал-Мұхаммадия. Работ: 2015. <https://www.arrabita.ma/blog>
9. Мұхаммад Ҳусайн. (2005). Ат-Танзир ал-мақосидий инда-л-Имам Мұхаммад Тохур ибн Ошур. Ал-Жазоир: Жамият Жазоир.
10. Мұхаммад Юсуф Мұхаммад Содик. (2019). Усулул фикх. Тошкент: Hilol-Nashr.
11. Навос Шариф. (2021). Қозийят таълил ал-аҳком инда-л-усулийин ва-l-mutakallimin // Баес Исломий. Уттар Прадеш: <http://albasulislami.com>
12. Nicholas Heer. (1960). Al-Ҳакім al-Tirmidhī's Kitāb Ithbāt al-'Ilal. A paper read at the 1960 annual meeting of the American Oriental Society held in New Haven, Connecticut.
13. Нуғмон Жуғайм. (2013). Туруқ кашф ан мақосид ат-Шориј. Аммон: Дар ан-нафаис.
14. Ризвон Сайид. Мақосид аш-шария байна усул ал-ғиққа ва-t-таважжуҳот ан-нуҳудия // Шабаб тафахум. Масқат: 2021. №30 март. <https://shababtafahom.om/post/2183>
15. Рисуний Ахмад. (2014). Ал-Қавоид ал-асос ли илм мақосид аш-шария. Лондон: Муаассаса ли-t-туроs ал-исламий. Электрон нусха

16. Рисуний Ахмад. Мухозарот фи мақосид аш-шария. Қоҳира: Дор ал-калима, 2014.

17. Ториқ Ҳажжи. (2016). Ал-Ҳаким ат-Тирмизий ва таълил ал-ибодот // Изоат. сентябрь. <https://www.ida2at.com/al-hakim-al-tirmidhi-explanation-of-worship>

18. Усома Аднон. (2015). Басма Али Рабобиа. Алоқа мақосид аш-шария би-l-илла ва-l-муносаба ва-l-хикма: дироса таъсилий фиқхий // Диросот улум аш-шария ва-l-конун. Иордания университети нашри. Аммон. Ж. 42.

19. Ҳаким Термизий. (1998). Исбот ал-илал. Қасабланка: ан-Нажаҳ ал-жадида.

20. Ҳаким Термизий. (1965). Ас-Салот ва мақосидуҳо. Қоҳира: Дор ал-қитаб ал-араби.

21. Ҳаким Термизий. (1998). Наводир ал-усул. Қоҳира: Дор ар-район ли-t-туроs. Ж. 1.

REFERENCES

1. A.Baraka. (2014). Al-Hakim at-Termiziy va nazariyatuhu fi-l-viloya. Qohira: Maktaba Vahba.
2. Jaser Avda. (2011). Maqosid ash-sharia ka-falsafa li-t-tashri' al-islamiy. Washington: The international Institute of Islamic Thought.
3. Jaser Avda. (2011). Maqosid ash-sharia: dalil li-l-mubtadiin. London, Vashington: The international Institute of Islamic Thought.
4. M.Juyushiy. (1980). Al-Hakim at-Termiziy: dirosa li osorihi va afkorihi. Qohira: Dar an-nahda arabiyya.
5. X.Zahriy. (2013). Hakim Xuroson va anis az-zamon. Rabot: Markaz ad-dirosot va-l-abhos.
6. X.Zahriy. (2009). Tajalliyot al-Burhon. Bayrut: al-Maktaba al-Asriyya.
7. X.Zahriy. (1998). Hakim Termiziyning “Isbot al-ilal” asari nashrining kirish qismi. Rabot: Kulliyat al-adab va-l-ulum al-ijtimaiyya.
8. Kamoliddin Muhammad. (2015). Al-Maqosid qabla-sh-Shotibiy // ar-Robita al-Muhammadiyya. Rabot. <https://www.arrabita.ma/blog>
9. Muhammad Husayn. (2005). At-Tanzir al-maqosidiy inda-l-Imam Muhammad Tohur ibn Oshur. Al-Jazoir: Jamiat Jazoir.
10. Muhammad Yusuf Muhammad Sodiq. (2019). Usulul fiqh. Toshkent: Hilol-Nashr.
11. Navos Sharif. (2021). Qoziyyat ta'lil al-ahkom inda-l-usuliyyin va-l-mutakallimin // Bayes Islomiy. Uttar Pradesh: №6 yanvar. <http://albasulislami.com>
12. Nicholas Heer. (1960). Al-Ҳакім al-Tirmidhī's Kitāb Ithbāt al-'Ilal. A paper read at the 1960 annual meeting of the American Oriental Society held in New Haven, Connecticut.
13. Nu'mon Jug'aym. (2013). Turuq kashf an maqosid ash-Shori'. Ammon: Dar an-nafais.
14. Rizvon Sayyid. (2021). Maqosid ash-sharia bayna usul al-ғiққa wa-t-tavajjuhot an-nuhudiyya // Shabab tafahum. Masqat: <https://shababtafahom.om/post/2183>

15. Risuniy Ahmad. (2014). Al-Qavood al-asos li ilm maqosid ash-sharia. London: Muaassasa li-t-turos al-islamiy, 2014. Elektron nusxa
16. Toriq Hajji. (2016). Al-Hakim at-Tirmiziyy va ta'lil al-ibodot // <https://www.ida2at.com/al-hakim-al-tirmidhi-explanation-of-worship>
17. Usoma Adnon, Basma Ali Rabobia. (2015). Aloqa maqosid ash-sharia bi-l-illa va-l-munosaba va-l-hikma: dirosa ta'siliyya fiqhiiyya // Dirosot ulum ash-sharia va-l-qonun. Iordaniya universiteti nashri. Ammon: Ж. 42.
18. Hakim Termiziy. (1998). Isbot al-ilal. Kasablanca: an-Najah al-jadida.
19. Hakim Termiziy. (1965). As-Salot va maqosiduho. Qohira: Dor al-kitab al-arabiyy.
20. Hakim Termiziy. (1988). Navodir al-usul. Qohira: Dor ar-rayyon li-t-turos. Ж. 1.
21. Risuniy Ahmad. (2014). Muhozarat fi maqosid ash-sharia. Qohira: Dor al-kalima.

